Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 3-may, shanba № 55 (3404)

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир.

Ислом КАРИМОВ

Фавворалар – тинчлик, фаровонлик ва гўзаллик рамзи

1 май куни Тошкентда «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирлари ўтказилди

Байрамона кайфият бутун пойтахтимиз бўйлаб ҳукм сурди. Қуёш порлаб, майин эсаётган кўклам шабадаси дилларни тетиклаштирди, мусаффолик бахш этди, ям-яшил дов-дарахтлар, турфа гуллар кўзни қувонтирди. Байрамона либос кийган юртдошларимиз ва хориждик сайёҳлар тантанали тадбирлар ўтказилган фавворалар атрофида жам бўлди. «Фавворалар сайли»нинг асосий иштирокчилари ёшлардир.

Ушбу чинакам ёшлар байрами миллий қадриятларимиз, она юртимизнинг бой тарихи ва мустақиллигимиз ютуқларини қадрлайдиган, Ватанимиз ва халқимизни чин дилдан севадиган баркамол авлодни тарбиялаш, жамиятда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳини, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Сайил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилди.

Тошкент фавворалари ёшлар оммавий сайли ўтказиладиган жой сифатида бежиз танлангани йўқ. Марказий Осиёдаги ҳеч бир шаҳарда пойтахтимиздаги каби ранг-баранг, хушманзара ва бетакрор фавворалари учратмайсиз. Давлат муассасалари, музейлар, банклар, ресторан ва кафелар ёнида, бозорларда, ўқув муассасаларида, истироҳат боғлари ва халқ сайллари ўтказиладиган жойларда бир-биридан чиройли 60 дан ортиқ фаввора ишлаб турибди. Улар атрофида барча қулайликлар мавжудлиги туфайли фавворалар жажжи болажонлар, ёшлар ва фахрийлар, пойтахтимиз меҳмонлари билан ҳамиша гавжум. Бундай хушманзара жойларда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар учун сайёр дарслар ўтказилади, учрашувлар белгиланади, келин-куёвлар ва кўплаб сайёҳлар суратга тушади.

Фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодаси сифатида халқимизнинг кўп асрлик тарихини ўзида мужассам этган. Шарқда XIV-XV асрларда ҳам фавворалар урф бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги Дилкушо боғида бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳайрат билан шундай ёзган эди: «Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турувчи фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...». Археологик қазиш ишлари пайтида бундай иншоотлар Шаҳрисабздаги Оқсарой, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси ва бошқа тарихий иншоотлардан ҳам топилган. Алишер Навоий асарлари ва «Бобурнома»даги миниатюраларда ҳам қадимий фавворалар суратини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси аждодларимизнинг юксак бунёдкорлик маҳорати ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат беради.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида фаввора барпо этишнинг кўп асрлик анъаналари мазмунан янада бойитилди. Замонавий илм-фан тараққиёти туфайли анъанавий фавворалар ўрнини ранг-баранг чироқлар билан жиҳозланган ва мусиқали фавворалар эгаллади. Бундай фавворалларда сув шунчаки босим билан отилмайди, балки дастур ёрдамида сув оқими, чироқлар ва мусиқа уйғунлашиб, фусункор манзара ҳосил қилади. Чироқлар фавворалларнинг гўзаллигини намоён этади, ғаройиб тарзда уларни ўзгартиради ва кечки пайт янада ажойиб кўриниш олади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирлари иштирокчилари кундалик ҳаётимизга янгича назар ташлаш имкониятига эга бўлиб, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига яна бир бор тан беради.

Тиббиёт мутахассисларининг фикрича, фавворалар олдида байрам сайлларининг ўтказилиши соғлиқ учун ҳам фойдали экан. Мусаффо сув кишига ҳузур-ҳаловат бағишлаб, кайфиятини кўтаради, толиқишни олади. Фаввора суви жилосини кузатадиган инсонларда қон айланиши ва мия фаолияти яхшиланади, асаб тизими тинчланади.

Сайр қилиб юрганлар орасида ёш спортчиларни ҳам учратиш мумкин. Юнусобод туманидаги 19-ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси Нуриддин Маҳмудовнинг изоҳ беришича, тоза ҳавода сайр қилиш спортчининг жисмоний ва руҳий тайёргарлигига ғоят ижобий таъсир кўрсатади. Бу асосан жиддий мусобақалар олдидан ўтказиладиган кучайтирилган машғулотлардан кейин қувватни тез тиклашга ёрдам беради.

Бундай тантанали тадбирлар пойтахтимиздаги барча йирик фавворалар ёнида ташкил этилди. Уларнинг 14 тасида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, рақс ва театр гуруҳлари иштирокида оммавий маънавий-маданий тадбирлар бўлиб ўтди. Ташкилотчилар тадбир ўтказиладиган жойларнинг тирихий-маданий хусусиятларини инобатга олгани туфайли барча томошалар ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан ажралиб турди.

(Давоми 4-саҳифада).

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор соҳа вакилларининг ижтимоий масъулиятини теран ҳис этиши ва касб маҳоратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Туркистон» саройида 2 май куни журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, фахрий журналистлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Изланиш ва масъулият самараси

«Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига айлантириш, журналистларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур имконият ва шароитларни яратиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда устувор ўрин эгаллашини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий журналистика равнақида ҳам янги босқични бошлаб берди. Мазкур Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир миллий қонунчилик муттасил такомиллашмоқда. Бу фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори медиа тузилмалар фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда, улар фаолиятининг самарадорлиги ошмоқда. Мамлакатимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Жиззах вилояти Ғаллаорол шаҳридаги Самарқанд кўчасида умргузаронлик қилаётган Омон ота Шайзоқов юз ёшни қоралаб қолган бўлса-да қадди тик, нигоҳлари тийрак. Отахон ҳаётида ҳамиша одамларга яхшилик қилди. Шу боис эл ичида обрўси бор, эътиборга сазовор. Яқинда унинг хонадонида бўлдим.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

деб шукроналик билдиради юз билан юзлашган отахон

— Кел, чироғим, — дея пешвоз чиқди отахон. — Шу, мен сенга айтсам, Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони кучимга-куч қўшгандай бўлди. Биз нуронийларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўсатилаётгани учун ҳамиша тилимиз дуода, руҳимиз баланд. Бу каби эзгу ишлар учун Юртбошимизга минг раҳмат!

Мана кеча ҳокимият, «Маҳалла» ва «Нуроний», жамғармалари, яна мен билиб-билмайдиган аллақанча ташкилот вакиллари келиб, байрам билан қутлаб, уюштириладиган тантанага таклиф қилиб кетишди. Эъзоз ва меҳр-эътибордан қувониб ўтирибман.

Отахон ҳали ҳам сира тинч ўтирмайди: гоҳ дарахт ва гулларни парваришласа, гоҳ маҳалладаги хайрли ишларга бош бўлади. Ёшларга насиҳат қилиш, элни яхши ишларга чорлаш унинг кундалик юмушга айланган.

Айниқса, мактабларга кўп ташриф буюради. Мустақиллигимиз шарофати билан қурилган кўп қаватли замонавий мактаб биноларига боқиб ўзининг болалигини, уруш олови ичида кечган ёшлик йилларини эслайди. Ўғил-қизларга истиқлолнинг қадрига етиб, Ватанга содиқ фарзанд бўлишларини қайта-қайта уқтиради.

— Биз бир бойнинг отхонасида савод чиқарганмиз. Ҳар бир синфда биттагина китоб бўларди. Уни навбат билан ўқирдик. Бугун эса нафақат мактабда, балки болаларнинг уйида ҳам компютер бор. Бундай ҳаётнинг қадрига етинглар, ғамхўрликларга яраша фарзанд бўлинглар, — дейди отахон ёшлар билан учрашганда.

Омон отанинг ёшлиги жуда оғир кунларга тўғри келди. Бир бурда нон учун эртадан кечгача меҳнат қилди. Энди қаддини тиклай деганда уруш бошланиб қолди. Омонсиз жангларда матонат кўрсатди. Яраланиб, ногирон бўлиб урушдан қайтди.

Тикланиш йиллари ишнинг кўзини билиши, тадбиркорлиги билан одамлар корига яраб, ном қозонди. Катта хўжаликка раҳбар бўлди. Ғалла, пахта етиштиришда бошчилик қилди. Ўшанда бутун бошли хўжаликда битта енгил машина бор эди. Бугун ҳар бир оилада 1-2 тадан автомобил!

Омон ота кўпинча хаёлларга берилиб, ўтмиш билан бугунги кунни ўзича таққослайди. Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, деб мушоҳада қилади. Ғалла барқ уриб ривожланаётганини кўриб, эртага фермерларнинг хирмони юксак бўлади, дея қувонади.

Омон отанинг тилидан шукроналик тушмайди. Айниқса, ёшлар камолидан қувонади. Замонавий спорт иншоотлари улар хизматида. Туман «Ғаллакор» футбол жамоаси республиканинг биринчи лигасида ўйнаётгани-ю стадионда ҳар куни турли спорт мусобақалари ўтказилаётганидан отахон мамнун. Ёшлар орасидан етук фан арбоблари, зўр мутахассислар етишиб чиқиб, республикамиз салоҳиятини кўтаришда ҳисса қўшаётгани ҳам унга фахр бағишлайди. Отахон ҳамиша давлатимиз раҳбарининг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам», деган пурҳикмат гапларини такрорлашни яхши кўради.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Истиқлол ғунчалари

Ватан меҳри куй-қўшиқ орқали қалбга янада чуқурроқ сингади. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган «Истиқлол ғунчалари» танлови Самарқанд вилоятидаги маданият муассасалари қошида фаолият кўрсатувчи болалар бадиий жамоалари ва якка ижрочилар маҳоратининг чинакам намойишига айланди.

Серқирра истеъдод

Танловнинг ҳудудий босқичларида ярим миллионга яқин ёш истеъдод иштирок этди. Биргина Қўшработ туманида 86 нафар бола истеъдодини синовдан ўтказди. Жамоа рақси ижрочилиги йўналишида 15 та болалар жамоаси чиқишлари баҳоланди.

— Санъат — эзгулик дояси. Улғайиб келаётган авлоднинг унга талпиниши қувонарли ҳолдир, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши раиси Мадина Баратова. — Танловнинг туман босқичида олти йўналишда ғолибларни аниқладик. Ёшлар орасида бундай тадбирларга қизиқиш кундан кунга ошиб бораётир.

Қуйида ҳудудий босқичлар ғолибларига сўз берамиз.

Шаҳзод Аъзамқулов, Ургут туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоси:

— Ёшлигимдан мумтоз наволарга меҳрим баланд. Устозларим ёрдамида катта ашулаларни ижро этишга ҳаракат қиляпман. Оиламизда бу интилишимни доимо қўллаб-қувватлашади. Мазкур танловда анъанавий ижрочилик йўналишида туман босқичида биринчи бўлиш насиб этди.

Сабина Абдуллаева, Жомбой туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоси:

— Мен рус халқ қўшиғи «Наш сосед»ни куйладим. Тўгарагимизда жаҳон мумтоз наволарини ҳам ўрганиш имкони бор. Ижро маҳоратимга юқори баҳо берилди. Бундан жуда хурсандман.

Адҳам Эргашев, Пайариқ туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоси:

— Соз сеҳридан завқ оламан. Шу боис ҳам якка чолғу ижрочилигида омадим чопди, деб ўйлайман.

Мухлиса Негматова, Самарқанд тумани:

— Ёшим эндигина ўнга тўлган бўлсада рақс сирларини анча ўзлаштириб олдим. Келажакда шу соҳани танлашим эҳтимолдан холи эмас.

Танловнинг вилоят босқичи янада кўтаринки ўтиши кутилаётир.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ёш авлодни Ватанга, миллий ва маданий анъаналарга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, фарзандларимиздаги эстетик дидни шакллантириш орқали уларни комил инсонлар этиб тарбиялаш борасида ўтказилаётган танловлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Саҳнада санъатсеварлар

«Соғлом бола йили» дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ўтказилди. Унда мусиқа ва санъат мактаблари ва «Баркамол авлод» болалар марказида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоалари ва якка иштирокчиларидан 89 нафар ўғил-қиз қатнашмоқда.

Танлов анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка чолғу, ансамбл чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги, жамоа рақс ижрочилиги йўналишларида ўтказилди.

— Ушбу танловни ташкил этишдан мақсад маданият ўқув масканларида билим олаётган болалар орасидан иқтидорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашдир, — дейди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашининг раиси Назира Насриддинова. — Бундай истеъдодли ёшлар ҳудудимизда кўплаб топилади.

Ғолиблар туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг дипломлари билан тақдирланди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

Ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш кадрларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танлови Жиззах вилояти Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тизимида ҳам кўтаринки тарзда ташкил этилди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Танлов Жиззах шаҳридаги Хўжа Нуриддин Ҳожи мадрасасида ўтказилди. Натижага кўра, «Энг фаол ёш ҳунарманд» номинациясида Дилафруз Қобулова ғолиб деб топилди. «Энг фаол ёш тадбиркор» номинациясида Нодира Мелибоева, «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» номинацияси бўйича биринчиликни эса Жиззах шаҳар Сувоқава ишлаб чиқариш корхонаси жамоасидан Мансурбек Коргонбаев эгаллади.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо эсталик совғалари билан тақдирланди. Улар эндиликда вилоят босқичида иштирок этишади.

Мамадали ҚУЛБОЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ishonch
2014-yil 3-may № 55 (3404)

Изланиш ва масъулият самараси

«Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантириш — доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган қатор лойиҳалар, грант танловлари ОАВ таҳририятлари, нашриёт ва матбаа корхоналарининг фаолияти самарадорлигини янада кучайтириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, «Uzreport» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур анъанавий танлов соҳа ходимларининг фаоллигини янада ошириш, уларда изланувчанлик, ишга ижодий ва талабчанлик руҳида ёндашувни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2006 йилдан буён ўтказилаётган мазкур танловда 4 минг нафарга яқин журналист 50 мингдан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик материали билан иштирок этди. 194 нафар журналист «Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиби бўлди. 48 нафар ижодкор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари таъсис этган мукофотлар билан тақдирланди.

Телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилаётган бу йилги ижодий лойиҳада ўн учта — битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот таъсис этилган. Танлов учун мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган 490 дан ошиқ журналистдан 7500 га яқин ижодий иш келиб тушди. Уларни баҳолашда танқидий ва таҳлилий чиқишларга, ҳаёт ҳақиқати холис акс эттирилган, ижодий изланувчанлик асосида тайёрланган материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга зид ва бегона бўлган зарарли ахборотлар хуружидан ишончли тарзда ҳимоялашга, мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, бу йўналишда кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликларнинг мазмунмоҳияти атрофлича таҳлил этилган материалларга алоҳида аҳамият берилди.

Танловни ташкил қилиш, ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун маблағ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканали журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиқ деб топилди. Телеканал махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

— Юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш авлодда соғлом ва теран тафаккурни шакллантиришга улкан эътибор қаратилмоқда, — дейди «Маданият ва маърифат» телеканали директори Воҳид Луқмонов. — Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида барча соҳалардаги ислоҳотлар самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Президентимиз ташаббуси билан «Маданият ва маърифат» телеканали ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётгани мазкур соҳа равнақига кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Буларнинг барчаси зиммамиздаги масъулиятни теран англашга, ёш авлодда соғлом маънавиятни шакллантиришдек шарафли ишга янада жиддий ёндашишга ундайди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолибларига диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди.

Шу ўринда ушбу танловга қизиқиш халқаро ташкилотларда йил сайин ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бу йилги танловда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ахборот маркази, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури — ЮНЭЙДС, Халқаро муносабатлар миллий демократик институти (АҚШ), «Регионал диалог» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан иштирок этди. Тантанали маросимда бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

ЎзМТРК «Маданият ва маърифат» телеканали — директори Воҳид Луқмонов.

Ўзбек халқининг бой маданий-маърифий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш, юксак маънавиятли, мустақил фикрли, кенг дунёқарашли ёшларни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, миллий қадриятларимизга бўлган эътибор, мамлакат маданий ҳаётидаги янгиланишларни кенг ёритгани учун

АСОСИЙ МУКОФОТЛАР

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:

Гулҳида Жўраева — «Yoshlar» телерадиоканали қошидаги «Болажон» телеканалининг Мусиқий ва маърифий-ўйинли теледастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари вазифасини бажарувчи.

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» доирасидаги миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга ёшларни вояга етказишга қаратилган теледастурлари учун

2-ўрин:

Барчиной Жўраева — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар ва долзарб муаммоларга бағишланган «Биз учун муҳим» туркумидаги ток-шоулари учун

3-ўрин:

Ёлқин Оқбўтаев — Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телегуруҳининг махсус мухбири.

Вилоятда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни ва бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги кўрсатувлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин:

Мавжудахон Оппоқхўжаева — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақидаги таҳлилий эшиттиришлари учун

2-ўрин:

Зафар Турсунов — «Пойтахт» радиоканали директори.

Республикамиз пойтахти ҳаётининг муҳим воқеалари ҳақидаги ахборот дастурлари, долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий эшиттиришлари учун

3-ўрин:

Гуларем Жумагалиева — Қорақалпоғистон Республикаси телерадио-компаниясининг «Хабар» ахборот-таҳлилий дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири.

Қорақалпоғистон ёшларининг бугунги ҳаёти, ютуқ ва муаммолари тўғрисидаги «Парвоз» туркум эшиттиришлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):

1-ўрин:

«Соғлом авлод» газетаси таҳририяти — бош муҳаррири Фахриддин Ҳайитов.

Мамлакатимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, тиббий маданиятни ошириш, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни кенг ва таҳлилий ёритгани учун

2-ўрин:

«Ватанпарвар» газетаси таҳририяти — бош муҳаррири Алижон Сафаров.

Ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий- ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган, Ўзбекистон Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги материаллари учун

3-ўрин:

Замирахон Хўжамбердиева (Рўзиева) — «Миллий тикланиш» газетасининг Андижон вилояти бўйича ўз мухбири.

Миллий ғурур ва қадриятларимиз, анъана ва удумларимиз, халқимизга хос бағрикенглик ҳақидаги публицистик мақолалари учун

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):

1-ўрин:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг «uza.uz» веб-сайти — бош муҳаррири Бунёд Абдуллаев.

Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни турли тилларда атрофлича ёритгани учун

2-ўрин:

«uz24.uz» веб-сайти — бош муҳаррири Аброр Исмоилов.

Мамлакатимизда ва чет элларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

3-ўрин:

Жонибек Мусаев — «UzReport.com» веб-сайти мухбири.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги янгиликлар, халқаро алоқалари ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

Халқаро ва жамоат ташкилотларининг рағбатлантирувчи мукофотлари:

БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

«Радиода Мингйиллик ривожланиш мақсадлари мавзусининг ёритилиши»

Лаззат Есемуратова — «Нукус-FM» радиоканали директори

ЮНЕСКО

«Барқарор ривожланиш мавзуси ёритилган энг яхши материал учун»

Тоштемир Худойкулов — «Ўзбекистон овози» газетасининг Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими мухбири

ЕХҲТ

«Рақамли технологиялар даврида замонавий жамият ва ахборот журналистикаси»

«Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририяти — бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Шуҳратжон Охунжонов

ЖАҲОН БАНКИ

«Глобал иқлим ўзгариши муаммолари ёритилган энг яхши материал учун» (қишлоқ хўжалиги ва иссиқлик самарадорлиги масалалари)

Озод Очилов — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси гуруҳ раҳбари

UNAIDS, UNICEF, UNFPA ВА ОИТСга ҚАРШИ КУРАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

«ОАВнинг ОИВ-ОИТС масалалари бўйича жамоатчилик мулоқотини фаоллаштириш ва аҳолининг хабардорлигини оширишдаги роли ёритилган энг яхши материал учун»

Сурия Магдеева — «Наманганская правда» газетасининг махсус мухбири

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИ (АҚШ)

1. «Давлат органларининг ўз фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини кучайтириш борасидаги ишлари ёритилган энг яхши материал учун»

Сайёра Ербаева — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастурлари бош муҳарририяти шарҳловчиси

2. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича долзарб муаммолар ечимини топишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ёритилган энг яхши материал учун»

Санобар Боймуродова — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

3. «Журналистикада ижтимоий масалаларни ёритишда инновацион ечим ва ёндашувлар»

Хушнуд Худойбердиев — Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

«РЕГИОНАЛ ДИАЛОГ» ХННТ (Словения)

1. «Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши материал учун»

Гули Нигор Авазова — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти мухбири

2. «Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотларининг бориши ёритилган энг яхши материал учун»

Хуршида Турсунбоева — «Тошкент ҳақиқати» газетаси мухбири

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

1. «Соғлом бола йилига бағишланган энг яхши материал учун»

Мардон Эсонбоев — «Болалар дунёси» газетаси муҳаррири ўринбосари (Наманган вилояти)

2. «Ижтимоий шериклик фаолияти ёритилган энг яхши материал учун»

Екатерина Соболева — Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бош мутахассиси

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

1. «Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун»

Аббосхон Усмонов — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири

2. «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун»

Ирина Баранова — «Trend» ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири (Озарбайжон Республикаси)

Меҳнат муҳофазаси

«Сирдарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида Сардоба тумани Пахтаобод ПТКда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, ишлаб чиқаришда юз бераётган бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларига чалинишларнинг олдини олиш юзасидан амалий-назарий ўқув-семинари ташкил этилди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда

Таъкидлаш жоизки, «Сирдарёпахтасаноат» ҲАБ тизимига Боёвут, Бахт, Гулистон, Пахтаобод, Сайхунобод ва Сардоба пахта тозалаш корхоналари киради. Ушбу корхоналарда 2412 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади.

Шу кунгача «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва меъёрий ҳужжатлар, корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, «Сирдарёпахтасаноат» ҲАБ ва тизимдаги 6 та пахта тозалаш корхонасида меҳнат муҳофазаси бўйича 8 нафар муҳандис-техник ходим фаолият кўрсатади. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси хоналари ажратилган бўлиб, бу ерда кўргазмали стендлар, огоҳлантирувчи ёзув ва белгилар билан танишиш мумкин.

Ишчи-ходимлар ишга киришда дастлабки ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб, хавфсизлик техникаси йўриқномалари асосида йўриқлар бериб борилади. Бахт ва Боёвут пахта тозалаш корхоналарида доимий сут, қатиқ маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари, шунингдек, барча пахта тозалаш корхоналарида уч сменада ишлаётган ишчиларни бепул уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш каби ишлар йўлга қўйилган. Мазкур тадбирлар учун пахта тозалаш корхоналари томонидан 334.4 млн. сўм, ходимларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароитини яхшилаш тадбирларига 280 млн. сўм сарфланди.

Пахта тозалаш корхоналари маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномаларига Меҳнат муҳофазаси бўлими киритилган. Унда ишчи-ходимлар учун иш жойида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, махсус кийим-бош, пойабзал,

шунингдек, зарарли ва ноқулай меҳнат шароитида ишловчиларни сут ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларига чалинишнинг олдини олиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши, бахтсиз ҳодисалар натижасидаги бир марталик тўлов пулларини тўлаш тўғрисидаги бандлар ўз аксини топган.

Семинарда меҳнат муҳофазаси бўйича тарғибот ишларини янада кучайтириш борасида қатор таклифлар ўртага ташланди. Таҳлилларга кўра, дунё бўйича меҳнат жараёнидаги бахтсиз ҳодисаларнинг 4 фоизи иш вақтида етарли бўлмаган шароитдан келиб чиқса, қолган 96 фоизи ходимларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида содир этилади. Шундай экан, хавфсизлик учун барча томонлар ўзларини баб-баравар жавобгар деб билишлари даркор.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий аҳамияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

Унда бирлашма кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева тизимда фуқаролар мурожаатлари бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берди. Вилоят прокурори катта ёрдамчиси Аскар Сувонов ва вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Феруз Норқуловнинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун моҳияти ва унинг ижросига оид фикрлари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда иштирок этган ташкилот, корхона ва муассасалар касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари фаолиятга оид саволларига жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз

Ўқув-семинар

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ўқув-семинар ташкил этилди. Семинар тармоқ тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва ташкилотчилари учун «Бошланғич ташкилотларда касаба уюшма фаолиятини намунали ташкил этиш» мавзуси доирасида ўтказилди.

Қуйи бўғинларга эътибор

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Одилжон Жалилов тадбирни очар экан, кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қуйи бўғинлар фаолиятига бўлган эътибор тўғрисида батафсил тўхталди.

Вилоят КУТБ кенгаши раиси ўринбосари Қ.Ризаев иш берувчи, ходим ва касаба уюшма ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган жамоа шартномасининг фаолиятга ижобий таъсири ҳамда йўналтирувчи куч сифатидаги аҳамиятига эътиборни қаратди.

Ўқув-семинарнинг амалий қисми ўтган йили «Энг намунали бошланғич ташкилот» танлови вилоят босқичида 2-ўринни эгаллаган ва «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот» номинацияси ғолиби «Фусункор» масъулияти чекланган ишлаб чиқариш жамиятида ташкил этилди.

— Олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида вилоятда тармоқ касаба уюшма ташкилотлари 113 тага ортиб, аъзолар 2284 нафарга кўпайди, — деди О.Жалилов.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

■ Қонунчилик

Ўзаро ҳамкорликнинг электрон шакли

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, улар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда ахборот технологиялари соҳасини янада ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий этилаётир. Электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, электрон тўловлар каби янги хизмат турлари ривожланмоқда, айниқса, фуқароларнинг масофадан туриб дунёнинг хоҳлаган давлати билан ахборот алмашишига кенг имконият очилди.

2013-2020 йилларга мўлжалланган миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс чора-дастурларини амалга ошириш натижасида, бугунга келиб давлат органлари томонидан аҳолига Интернет орқали 600 дан зиёд интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Давлат ахборот ресурслари сони 195 тага, рўйхатга олинган ахборот тизимлари 154 тага етди. Интернет тармоғи аҳоли, айниқса, тадбиркорларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида муҳим воситага айланмоқда. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали 2014 йилнинг биринчи чорагида 20 та янги хизмат тури жорий қилиниб, ягона давлат интерактив хизматлари портали (my.gov.uz) кўмагида кўрсатилаётган хизматлар сони 187 тага етказилди.

Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги «Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишда муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари олдида турган яна бир муҳим масала — ички меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдир. Бу борада, давлат органлари томонидан тақдим этилаётган интерактив давлат хизматларининг регламентларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, бугунги кунда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши ҳам давлат органларининг ахборот технологиялари асосида интерактив давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширади.

Таъкидлаш жоизки, «электрон ҳукумат» тизими давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги ва ишончлилигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида давлат органлари фаолияти самараси ва давлат органлари хизмати сифатини ошириш, улар тартибини соддалаштириш ва вақтни тежаш, давлат хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ фуқаро ва ташкилотлар томонидан маъмурий харажатларни камайтириш, давлат бошқарувининг барча босқичларида қабул қилинадиган қарорларнинг ахборот-таҳлил тизимини такомиллаштириш, электрон шаклда маълумотлар алмашишини йўлга қўйиш, сўровларни расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, давлат органлари фаолияти устидан тўлиқ назорат ўрнатиш ва оперативлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширади. «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши натижасида турли идораларга бориш ва давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот қилиш зарурлигини истисно этадиган транзакция хизматларига тўлиқ ўтиш кўзда тутилмоқда. Бу эса аҳолига қўшимча қулайликлар яратишни янада яхшилашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, жаҳон ахборот глобаллашуви жараёнлари ахборот-коммуникация технологияларини нафақат мамлакатлар иқтисодиёти ва бошқа соҳаларига жорий этиш, балки ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлашни ҳам тақозо этади. Шунинг учун ҳам миллий интернет сегментини такомиллаштириш «Электрон ҳукумат» тизими маълумотлар базаси, ресурслари ва ахборот тизимлари комплексининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга ҳамда давлат органларининг тегишли ресурс ва тизимларининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган.

Мухтасар айтганда, иқтисодиётимиз тармоқлари ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига юқори технологияларни жорий этиш, давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан интерактив ҳамкорлигини кенгайтириш мамлакатимиз тараққиётининг кафолатидир.

Д.ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

■ Намунали маскан

Ўтган йили Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши бўйича ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази ғолиб бўлган эди. Хўш, ушбу эътирофга қандай омиллар туфайли эришилди.

Ўн бармоғи — ўн ҳунар

— Иш берувчи билан баҳамжиҳатликда олиб бораётган ҳаракатимиз ютуқлар учун эшик очаяпти, — дейди «Баркамол авлод» болалар маркази касаба уюшма қўмитаси раиси Нилуфар Тошбоева. — 18 йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келаяпман. Етакчилик борасида 12 йиллик тажрибам бор. Тармоқ шаҳар кенгаши раиси Алишер Йўлдошев қўмагида намунали бошланғич ташкилотга айландик. Қўмита учун ажратилган ёруғ хона маданий-маърифий, соҳага доир кўргазмалар, услубий қўлланма ҳамда рисолалар билан тўлдирилди.

Жамоа шартномасининг бирор банди йўққи, у аъзолар манфаати йўлида хизмат қилмаётган бўлса. Жамоада бирон масала, илғор ғоя ёки ташаббус кўтариладиган бўлса, барча қўмакка ошиқади.

Етакчининг фикрини тасдиқлаш учун марказнинг Бадиий ижодиёт, Техник ижодкорлик, Ўлкашунослик ва Экология йўналишларида фаолият юритаётган тўгарак аъзолари томонидан яратилган дидли, ёрқин асарларни кузатиб, баҳраманд бўлишнинг ўзи кифоя. Гулноз Омонова, Фозила Кўлановалар раҳбарлигидаги мунчоқли безак тўгараги қатнашчилари билан суҳбатлашдик. Ёшлар тасаввурида тилга кираётган нозик гулчаманлар, портрет ва нақшин безаклар киши диққатини ўзига ром этади. Сомон санъати, тўқиш, кулолчилик сингари яна ўнлаб тўгарак гуруҳлари борки, унда машғул ўғил-қизлар сирли бармоқлари меҳнатига тасаннолар айтгинг келади.

— Болаларимиз доноликнинг чексизлигини яхши тушунишади, — дейди марказ директори Татъяна Салимова. — Улар орасида ўз тасаввурига таяниб, ижод қилаётганлари оз эмас. Ўн бармоғи — ўн ҳунар бўлган бундай ўғил-қизлар келгусида юртимиз тараққиётининг чинакам ижодкорларига айланиши тайин.

Марказда ўчта йўналишда 16 та тўгарак фаолият олиб бораётир. 26 та гуруҳга бириккан 260 нафар қатнашчига машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. Бадиий ҳаваскорлик борасида ҳам натижаларимиз яхшигина. Хор бадиий жамоаси аъзолари ҳалитдан икки овозли репертуарларга қўл уришаётир. Анчадан буён фаолият юритиб келаётган фолклор, рақс бадиий жамоалари эса вилоятнинг қарийб барча оммавий тадбирларида ўз иқтидорларини намойиш этиб келаётир. Бунда Дилдора Садирова, Шоира Пирназарова, Юлдуз Бахриддинова сингари касб фидойиларининг куюнчаклиги мужассам.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда саксонга яқин корхона ва ташкилот 800 дан ортиқ бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркасида асосан шаҳардаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари, иш излаётган ёшлар иштирок этди. Иш берувчилар вакиллари корхона ва ташкилотлардаги меҳнат шароитлари, ходимларга ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳақида ёшларга атрофлича тушунча берди. Корхоналардаги иш жараёнлари акс этган видеороликлар намойиш этилди.

— Ўтган йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини психолог мутахассислиги бўйича битирганман, — дейди Дилноза Назарова. — Бугунги меҳнат ярмаркасида таклиф этилган иш ўринлари билан танишиб, шаҳардаги 115-мактабгача таълим муассасасига педагог-психолог сифатида ишга йўлланма олдим.

Ярмаркада қирқ нафарга яқин фуқаро ишга жойлашиш имкониятига эга бўлди.

Ғ.ХАСАНОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири Алишер ИСРОИЛОВ олган сурат

■ Биз ҳам бир ёндан

Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги роли ва мавқеини кучайтириш O`zLiDeP Дастурида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Аёллар тадбиркорлиги

Партия «Аёллар қаноти»нинг асосий эътибори шунга қаратилган бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси, Савдо-саноат палатаси ва қатор етакчи тижорат банклари билан ҳамкорликда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» каби лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Кўзланган мақсад, оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали янги иш ўринларини яратишдир. Қолаверса, лойиҳалар доирасида ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизлар учун ўз бизнесини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган.

O'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан ўтган йили 2 мингдан ортиқ давра суҳбати, учрашув ва семинар-тренинглар ташкил этилиб, уларда 120 минг нафарга яқин хотин-қиз қатнашишига эришилди.

— Мана бир неча йилдан буён «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Аёлларда ўзига бўлган ишончни орттириш, тадбиркорликка лаёқатли аёллар сонини кўпайтириш, уларни нафақат оилада фарзанд тарбияси билан, балки мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва тадбиркорлик фаолиятида ўз ўрнига эга бўлишига эришиш нияти рўёбга чиқаётганидан, натижада кўплаб иш ўринлари яратилаётганлигидан хурсандмиз.

Ўтган йили ушбу лойиҳа бўйича 180 нафар хотин-қизга 3 млрд. 888 млн. 70 минг сўм кредит олиб беришга эришилди.

Эътиборга молик лойиҳаларимиздан яна бири «Соғлом оила — мустаҳкам оила» бўлиб, ўтган йилда 250 та тадбир амалга оширилди. Уларда 9 минг нафарга яқин хотин-қизлар қатнашди ва 850 нафар хотин-қизлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Ташкил этилган давра суҳбатларида аёллар саломатлиги, оилалар мустаҳкамлиги, қизларни эрта турмушга узатиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Жорий йилда «Аёллар қаноти» ва Фермерлар кенгаши ўртасида тузилган Бош битим доирасида «Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч» янги лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, уларни илмий ишларга янада кенгроқ жалб этиш, инновацион технологияларни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётига жорий этишда фуқаролик институтлари фаолиятини жонлантиришга қаратилган «Аёллар — инновацион ривожланиш тарафдори», аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, партиянинг кадрлар захирасини сиёсий етук, фидойи ва жамиятда эътибор қозонган аёллар билан тўлдиришга қаратилган «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи» номли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳалар хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший турмуш тарзини янада яхшилашга, аёлларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

O'zLiDeP
Матбуот хизмати

■ Матбуот анжумани

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги учун ўтган йиллар, таъбир жоиз бўлса, юксалиш пиллапоялари бўлди.

Жумладан, 2000 йилда республика бўйича 2000 тага яқин йўловчи ташиш йўналишлари мавжуд эди. Ҳозирги кунда улар 4299 тага етди. Автомобил транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиш мақсадида вилоят, шаҳар ҳокимиятларидаги комиссиялар ҳамда агентлик қошидаги идоралараро комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер танловлари орқали жойлаштириляпти.

Юксалиш пиллапоялари

Ҳисобот даврида (2014 йил1-чораги) 27 та очиқ тендер танлови ўтказилди ва йўловчи ташиш бўйича 225 та йўналиш жойлаштирилди. Автотранспорт хизматлари ва сервисни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш, аҳолига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари, сервис даражаси ва сифатини ошириш доирасида 13 та ўрнига 19 та йўналиш ташкил этилиб, бунинг учун 24 та автобус, 15 та микроавтобус ва 30 та «Дамас» русумли автотранспорт воситалари ажратилди. Шунингдек, автокорхоналардаги мавжуд автобусларни янгилаш масалалари ҳам диққат марказида. Ўтган ойлар мобайнида Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган «ИСУЗУ» русумли автобуслардан (Фарғона вилоятида 82 та), (Тошкент вилоятида 13 та ва Навоий вилоятида 4 та) 99 та автобус ташувчилар томонидан лизинг асосида сотиб олиниб, йўналишларга чиқарилди. 3 ой якуни бўйича агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари хўжалик юритувчи субъектларга 727 та лицензия ҳамда 44686 та лицензия варақалари берди.

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори чиққунга қадар жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб фаолият кўрсатаётган юридик шахслар 314 тани ташкил этган бўлса, жорий йил 1 апрел ҳолатида улар 2511 тага етди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши режа-жадвалига биноан 3 та хўжалик субъектининг автотранспорт фаолияти текширилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ва солиқ органлари ходимлари билан ҳамкорликда йўлларда 1020 та қўшма рейд ўтказилди. Рейд бўйича тўпланган материаллар тегишли идораларга юборилди. Натижада, лицензиясиз фаолият кўрсатган автотранспорт эгаларига нисбатан 2 млрд. 548 млн. сўм миқдорида молиявий жарима қўлланди. Ташқи иқтисодий фаолият ҳам четда қолаётгани йўқ. Жорий йил автомобилда халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун ҳукуматлараро битимлар доирасида 24 та хорижий мамлакатнинг транспорт бўйича ваколатли органлари билан 30820 дона рухсатнома бланкалари тенг ҳуқуқлилик асосида алмаштирилди.

Агентликнинг Дарё кемачилиги регистри ва кемачилик инспекцияси фойдаланишда бўлган 217 та дарё транспорти воситаси ва 32 та секциядан иборат 3 та понтон кўприк кемани реестрга киритди. Дарё транспортини ҳисобга олиш, классификациялаш, техник ҳолатини назорат қилиш ва белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтказиш мақсадида 10 та корхона билан ўзаро шартномалар тузилди. 2 та дарё транспорти воситаси техник кўрикдан ўтказилди. Термиз дарё порти МЧЖ 1 та 400 тонна юк кўтаришга мўлжалланган баржа қурилишини бошлади ва уни қуриш даврида Регистр томонидан техник назоратни амалга оширишга келишиб олинди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

■ Тадбир

Мудофаа вазирлиги бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Тошкент вилоятининг «Қизилсой» оромгоҳида тизим касаба уюшма фаоллари иштирокида ўқув-семинар ҳамда турли спорт йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ҳам ҳордиқ, ҳам машғулот

Иштирокчилар спортнинг шахмат, шашка ва теннис турлари бўйича беллашди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси В.Шулятникова иштирокида семинар бўлиб ўтди. Маърузачи томонидан касаба уюшмалари ишини ташкил этиш, иш режасини тўғри тузиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳозирги вақтда касаба уюшма ҳаётидаги ўзгаришлар хусусида ахборот бериб ўтилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Касаба уюшма фаоллари бир вақтнинг ўзида ҳам дам олиб, спорт мусобақаларини ўтказишди, ҳам семинар машғулотларида қатнашишди.

А.ҲАКИМОВ,
Мудофаа вазирлиги бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кредит департаментининг 05.03.2014 йилдаги № АМ-61/29-сонли хати ва Сурхондарё вилоят ТИФ Миллий банк Шеробод филиалининг 28.04.2014 йилдаги № 01-сонли буюртмасига асосан, ТИФ Миллий банк Шеробод филиалига тегишли. ТИФ Миллий банк Шеробод филиали ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт ва қишлоқ хўжалик техниклари қўйилмоқда;

1. ГБАСНГ НЕКСИЯ русумли, д/р 75 154 LAA бўлган, 1998 й и/ч техник носоз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси 25 711 000 сўм.**

2. ВТ-150 Л русумли, д/р 30-25 ЕО бўлган, 2004 й и/ч техник носоз ҳолатдаги трактор. **Бошланғич баҳоси — 15 786 000 сўм.**

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 21.12.2012 йилдаги 87-04-1478-сонли хатига асосан ҳамда Термиз Давлат Университетининг 25.04.2014 йилдаги 01-8/104-сонли буюртмасига асосан, Термиз Давлат Университети балансида бўлган, Термиз Давлат Университети ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспортлар ва қишлоқ хўжалик техникалари қўйилмоқда;

1. АГБПАЗ-672м русумли, д/р 19 АН 820 бўлган, 1988 й и/ч яроқсиз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 913 048 сўм.**

2. КАВЗ-3271 русумли, д/р 19 AJ 102 бўлган, 1991 й и/ч яроқсиз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 440 000 сўм.**

3. ГБА-СНГ-ГАЗ 31029 русумли, д/р 19 AF 207 бўлган, 1995 й и/ч яроқсиз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 1 775 182 сўм.**

4. ГАЗ-5205 русумли, д/р 19 АС 378 бўлган, 1981 й и/ч яроқсиз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 509 492 сўм.**

5. ДАМАС русумли, д/р 19 АН 050 бўлган, 2001 й и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 7 506 614 сўм.**

6. ДАМАС русумли, д/р 19 АН 205 бўлган, 2000 й и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 7 212 081 сўм.**

7. Эсперо-2000 русумли, д/р 19 AI 202 бўлган, 1993 й и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 3 417 994 сўм.**

8. Т-28х4МС-1 русумли, д/р 49-55 СМ й и/ч таъмирталаб трактор. **Бошланғич баҳоси — 1 013 130 сўм.**

9. Т-28х4МС-1 русумли, д/р бўлмаган, 1992 й и/ч таъмирталаб трактор. **Бошланғич баҳоси — 1 013 130 сўм.**

10. 2ПТС-4 русумли, д/р 00-07 СМ бўлган, 1980 й и/ч яроқсиз ҳолатдаги тиркама. **Бошланғич баҳоси — 672 676 сўм.**

11. 2ПТС-4 русумли, д/р 70-60 СМ бўлган, 1980 й и/ч яроқсиз ҳолатдаги тиркама. **Бошланғич баҳоси — 201 700 сўм.**

12. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 75/ 293 JAA бўлган, 1982 й и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 4 672 861 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 5 июн куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 5 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 12 июн, 2014 йил 19 июн ва 2014 йил 29 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 5 июн учун 2014 йил 4 июн, 2014 йил 12 июн учун 2014 йил 11 июн, 2014 йил 19 июн учун 2014 йил 18 июн, 2014 йил 26 июн учун 2014 йил 25 июн куни соат 18:00 да.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. 25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома. **Хизматлар лицензияланган.**

Тошкент вилояти педагогика коллежини 2005 йилда тамомлаган Юлдашева Умида Зиёхўжаевна номига берилган **К № 264689** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 3-may № 55 (3404)





Фавворалар — тинчлик, фаровонлик ва гўзаллик рамзи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жумладан, пойтахтимизнинг Хадра майдонидаги 12 метр баландликкача кўтариладиган, ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилоланадиган фаввора олдида ўтказилган тадбирда миллий-маданий анъана ва қадриятларимизга урғу берилди. Бетакрор карнай-сурнай садолари остида миллий мусиқаларимиз янграб турди, дорбозлар ўз маҳоратини намойиш этди, қулай сўриларда оқсоқоллар қизғин суҳбатлашди.

— Ёшлигимда Хадра майдони қай аҳволда бўлганини яхши эслайман, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қиладиган Шарофат ая Тошхўжаева. — Ҳамма ёғи бетон билан қопланган бу майдонда кичкина фаввора бўларди. Унда-бунда жойлашган ўриндиқларда қуёш нуридан қочиб бўлмас эди. Бугун эса маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилган, атроф ям-яшил дарахтзор. Невараларим билан бу ерга тез-тез келиб турамиз. Болалар аттракционларда ўйнайди, биз, кексалар эса замонавий Тошкентнинг гўзаллигидан завқланиб, тобора кўркамлашиб бораётган шаҳримиз қиёфасидан хурсанд бўламиз. Бундай шароитлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз

«International Tashkent» меҳмонхонаси ёнидаги фаввора олдида турфа мусиқалар янграб, санъаткорларнинг чиқишлари намойиш этилди. «Болажон» маданият ва истироҳат боғи ҳудудида жажжи болакайлар ва уларнинг ота-оналари учун зарур барча шароитлар яратилди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри биноси рўпарасидаги мусиқали фаввора суви замонавий опера ва мумтоз мусиқа садолари остида бамисоли камалакдек жилоланади.

— Биз бу сайлни интиқлик билан кутдик, — дейди Зафар ва Вилоят Мамажоновлар. — Кечки сайр ва фавворалар олдида ҳордиқ чиқариш ёш оиламизнинг яхши анъанасига айланган. Бугунги кунда пойтахтимизнинг барча туманларида болалар учун ўйин майдончалари мавжуд, музқаймоқ, саёлкин ичимликлар, турли ўйинчоқлар сотиладиган дўкончалар, яшил ҳудудлар ташкил этилган. Фарзандларимизнинг хурсандчилигидан бизнинг ҳам кўнглимиз яйрайди. Мустақиллик майдони, Симпозиумлар саройи олдида бўлиб ўтган сайлларда қатнашдик. Энди «Lokomotiv» маданият ва истироҳат боғига бормоқчимиз.

Халқимиз азалдан байрамларни, хурсандчиликни хуш кўради ва қадрлайди. Байрамларимиз меҳмонлар, миллий мусиқа садолари, куй-қўшиқлар, рақслар билан хушчақчақ ва жўшқин руҳда ўтади. «Фавворалар сайли» ҳам бундан истисно бўлмади.

Ушбу сайлни чинакам халқ байрами дейиш мумкин. Сайл иштирокчилари орасида хорижлик меҳмонлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

— Ўзбекистонда тўртинчи бор бўлишим, аммо ҳар сафар келганимда кўплаб янги бинолар, боғлар ва фавворалар барпо этилганига гувоҳ бўлмоқдаман, — дейди Жанубий кореялик меҳмон Чо Чанкл Йо. — Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил бунёдкорлик ишларидан далолат беради. Тошкентнинг кенг ва равон кўчалари, шарқона гўзаллик уйғунлашган бинолари менда ажойиб таассуротлар қолдирмоқда. Бу ерда кечки шаҳар бўйлаб сайр қилишни, фавворалар салқин шабадасидан роҳатланишни яхши кўраман. Бу галги ташрифим шундай ажойиб байрамга тўғри келганидан жуда хурсандман.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирлари том маънода ёшлик, баҳор, шоду хуррамлик ва эзгу ниятлар байрамига айланди. Она шаҳримизнинг турфа рангларда товланаётган фавворалари мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, барқарорлик ва фаровонлик ҳукм сураётганидан далолатдир. Зеро, фақат шундай шароитдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Сардор ТОЖИЕВ,
Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбирлари.
ЎзА фотомухбирлари Сарвар ЎРМОНОВ,
Отабек МИРСОАТОВ,
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар

Инновацион таълим

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни такомиллаштириш, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бунда биз педагоглардан чет тили таълимида янги педагогик ва информацион технологиялардан фойдаланиш жараёнида дарсни ҳар томонлама пухта ташкил этиш, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг самарали усулларини излаб топиш, керак бўлса, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг қобилиятини ривожлантириш, уларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хотирасини мустаҳкамлаш, ўз билимига ишонч каби кўникмаларнинг ривожланиб боришига хизмат қилади.

Муҳитга кўп нарса боғлиқ

Ўқувчиларга хорижий тилларни ўқитишда қўшимча манбалардан фойдаланиш, ёрдамчи ўқув воситалари кўмагида ҳар бир дарсни интерактив усулда олиб бориш яхши самара беради. Ана шундай инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган дарс жараёнида ўқувчиларнинг чет тилига бўлган қизиқиши ортиб, уларнинг мустақил ижодий ишлаш малака ва кўникмалари такомиллашиб боради. Шу тариқа ўқувчиларда нутқ маданиятини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Илмий адабиётларда келтирилишича, «Инновацион технология» терминининг этимологияси **«инновация»** (инглизча innovation-киритилган янгилик, ихтиро) «фан-техникада жорий этилган янгилик» маъносини ифодалайди, «технология» эса лингводидактик тушунча сифатида «кам вақт, куч ва маблағ сарфлаб, таълим мақсадига эришишни таъминловчи саъй-харакатни илмий ташкил қилишнинг оқилона усуллари мажмуи»ни ифодалайди.

Анъанавий педагогикада инновацион технологиянинг муайян усуллари сифатида, масалан, **Brain storming, case, zigzag, cluster, project, method** каби турларини қўллаш катта натижа беради.

Чет тилларни ўргатишда мутолаанинг роли жуда муҳим. Бироқ, оғзаки нутқ чет тилларни ўргатишнинг энг самарали воситаларидан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим. Айрим ҳолларда талаба ўқишни билмаса, грамматикадан бўш бўлса, у гапира олмайди деб асосий куч ва урғуни ўқишга, грамматикани ўргатишга қаратамиз. Ваҳоланки, интеллектуал салоҳият, ўзлаштириш, қабул қилиш, англаш ва хотира даражаси ҳар бир ўқувчида ўзгача ривожланган бўлади. Кимдир эшитиш орқали, кимдир ёзиш ёки ўқиш орқали, яна кимдир эса фақат кўриш ва сўзлаш орқали яхши ўзлаштиради.

Қуйида чет тилини ўқитишда ўз фаолиятимда қўллаб келаётган ва ўзининг ижобий натижаларини бераётган инновацион таълим технологияларидан айримларини келтирмоқчиман.

Оғзаки нутқ машғулотларини ўтказишдан мақсад ўқувчилар ёдидан кўтарилган сўз, ибора, намуналарни эсга тушириш, инглизча тинглаш, гапириш учун нутқ органларини тайёрлаш, уларни инглиз муҳитига туширишдир. Масалан, бирор-бир расмни кўрсатиб, нимани кўраётгани ва расмда кимлар борлигини сўраш, ушбу вазият ҳақида қисқа эссе ёзиш, шахсий позицияси ва фикрини билдириш орқали оғзаки нутқ шакллана боради. Ёки бўлмаса, айрим дарслар оғзаки нутқда чет тилларда гапиришдан бошланса, ўқувчилар дарс давомида ўша муҳитда бўладилар. Бу жараёнда, албатта, аста-секинлик билан тинглаб тушуниш, гапириш қобилияти ривожланади.

Яна бир мисол. Замонавий педагогиканинг «Work in groups» тури орқали машғулотда қатнашаётган ўқувчилар 3 гуруҳга бўлинади. Ўқувчиларга инглиз тилида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, яхши ва ёмонни, меҳнатсеварлик ва дангасаликни фарқлаб кўрсатадиган филм намойиш этилади. Биринчи гуруҳга ушбу филм юзасидан саволлар тузиш вазифаси, иккинчи гуруҳга филм мазмунини гапириб бериш, учинчи гуруҳга эса, филм мазмун-моҳияти ҳақида эссе ёзиш вазифаси берилади.

Кейинги вазифа. Гуруҳларга бирор-бир воқеа ёки ҳодиса акс эттирилган расм тарқатилади. Гуруҳ аъзоларига бир хилда, яъни «What do you think?» саволи берилади. Мазкур саволга жавоб бериш орқали ўқувчиларда бир вақтнинг ўзида инглиз тилида фикрлаш, сўзлаш ва шахсий фикр билдириш қобилияти, шунингдек, вазиятни турлича баҳолаш ҳамда ифодалаш туйғуси ривожланади.

«Brain storming» усулини қўллаш ҳам яхши натижа беради. Бунда ўқувчиларга «ақлий ҳужум» уюштирилиб, у ёки бу ҳодисанинг дастлабки воқеалари инглиз тилида ўқиб берилади ва ўқувчилардан уни мантиқий давом эттириш талаб этилади.

Албатта, ўқитишнинг ушбу замонавий усулларини қўллаш давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бир грамматик, лексик, орфографик ва бошқа хато ҳамда камчиликларини ўз ўрнида тўғрилаб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги ўқувчиларимиз орасида чет тилини мукаммал биладиган, жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилиб, бир неча хорижий тилларни ўрганаётганлари кўп. Бизга бўладиган талаб битта: ушбу ишларни янада ривожлантириш лозим. Бу барча педагоглардан тинмай изланиш, ўз малакаларини амалий ва назарий жиҳатдан бойитиб боришни талаб этади.

Азиза НОДИРОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги 3-сон академик лицейи инглиз тили фани ўқитувчиси

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Бола — ҳаёт кўрки. Фарзандларимиз — эртамиз эгалари. Халқимиз орзуси — келажаги буюк Ўзбекистон давлатини барпо этмоқдир. Очиқ айтганда, бундай орзунинг рўёби болаларимизни қандай вояга етказишимизга бевосита боғлиқ.

Эртамиз эгалари ҳақида ғамхўрлик

ёхуд баркамол бола тарбияси — жамиятнинг муқаддас вазифаси

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас. Аввало, бу — давлатимизнинг мустақил мамлакатимиз келажаги ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги намунаси. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш жоизки, соғлом бола деганда нафақат жисмоний жиҳатдан бардам-бақувват, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияли авлод ҳам англашилади. Маънавий баркамол деганда эса аввало тўғрисўз, ҳалол яшаб, ҳаромдан ҳазар қиладиган покиза инсонларни тушунамиз.

Болани мана шу кенг маънода вояга етказишда лоқайдлик ва беғамлик мутлақо ярамайди. Лекин шунга қарамай, айрим ота-оналар ўз боласини эркатой, арзанда қилиб тарбиялайди, келажакда жиддий оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳолатларга беписанд муносабатда бўлади. Аслида, бола тарбиясида майда-чуйда бўлиши мумкинми?! Кун келиб боласи «ҳунар» кўрсатганида, пешона шўрлик деворга урилади. Афсуски, бу вақтга келиб, «поезд кетиб қолган» бўлади.

131 рисоладан иборат «Сирдарё халқлари қомуси» номли туркумни тайёрлаш жараёнида ҳам қизиқарли, ҳам ибратли қатор тарихий далилларга дуч келдим. Маълум бўлишича, қадимги Сирдарё водийсида кўчманчи тарзда ҳаёт кечирган маҳаллий туркийзабон халқ турмушида ёзилмаган шундай қонун-қоида амал қилган экан: бола 6 ёшга тўлгунга қадар ота-онаси унинг айтганини муҳайё этишган. Эҳтимол, «Болалигим — пошшолигим» деб шунга айтишгандир.

Яна 16 ёшга тўлган ўғил билан ота барча ҳаётий масалаларда, худди ўртоқ каби, маслаҳатлашиб яшаган экан. 6 ёшдан то 16 ёшга етгунгача эса бола ёши улуғларни ҳурмат қилиш, ҳалол меҳнат қилиб ҳалол луқма топиш руҳида вояга етказилган. Бундай соғлом муҳитдан маънавий озуқа олиб, вояга етган йигит ёки қиз одобли, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган, ҳалол меҳнат туфайли ўзига ризқ-рўз топадиган бўлиб вояга етаркан. Донишманд боболаримиз «Одоб остонадан бошланади», деб беҳуда айтишмаган!

Ривоят қилишларича, ҳовлилардан бирига қўноқлар қабул қилинади. Ҳовли соҳиби ўғлига «Қўноқларнинг отларига емхашак ташлаш, сув бериш эсингдан чиқмасин!» деб тайинлайди. Орадан бирмунча вақт ўтганига қарамасдан, ўғил отанинг топшириғини бажариш имконини топа олмайди. Отаси ўғлидан: «Қўноқларнинг отларига хашак бердингми?» деб сўраганида, ўғли қуйидагича жавоб қайтаради:

— Қўноқлар билан бирга айвонда ўтирибсиз, хашак эса айвоннинг устида...

Одобли ўғилнинг жавоби замирида чуқур маъно мавжудлигига фаҳм-фаросати етган қўноқлар тарбия кўрган болага қойил қолиб, отасига раҳматлар изҳор этишади.

Бошқаларга ибрат бўладиган бундай оилалар ҳозир ҳам жуда кўп. Шу билан бирга, фарзанд тарбиясида шундай лоқайд оилалар ҳам учрайдики, бундай хонадонда улғаяётган болалар жамоат жойларида ўзини қандай тутишни, ёши улуғларга қай тарзда ҳурмат кўрсатишни билишмайди.

Яқинда шифохонада даволандим. Навбатим келишини кутиб ўтирганимда, ичкари хонадан бемор аёл билан унга муолажа қилаётган ҳамшира қизнинг ўзаро суҳбати қулоққа баралла эшитилиб турди:

— Қизим, турмушга чиққанмисан? — сўради бемор аёл.

— Йўқ, — деди ҳамшира ўксиниб. — Ҳозир йигитларга ишониб бўлмайди, алдаб кетади, лафзида турмайди.

— Тўғри, ҳозир ўғил болалар 6-7 ёшдаёқ ҳамма балони билишади, — деди бемор аёл. — Аммо яхши йигитлар ҳам кўп.

Кўпинча ҳозирги хотин-қизлар ўртасидаги мулоқот мана шу йўсинда якун топади. Ҳайронман: «Алдаб кетиш»нинг туб моҳияти нимада?! Умуман, алдоқчилар қаердан ва қандай пайдо бўлади? Афсуски, бундай ҳолатларни ақлан тафаккур қилишга ҳамма ҳам қодир эмас.

Нимага десангиз, йигитлар болалигида оила тарбиясини биринчи галда ўша «бемор» аёлга ўхшаган ўз онасидан олиши ҳақида бош қотиргиси келмайди, отаси ёки онасини биров сўроқлаб келганда, «Мени йўқ деб қўйгин» дея боласини носоғлом тарбиялайди ва одамларни алдашни билиб-билмай фарзандига ўргатади. Айтинг-чи, алдоқчиликни мурғаклигидан ўзига касб қилиб олган бу каби бола софдил бошқа кишини аврамайди, товламачилик ва фирибгарлик кўчасига кириб кетмайди, деб ким кафолат бера олади?!

Кўпдан кўп гап чиқар, деганларидек, бир маърифий даврада «Замон тинч, тўкинлик бўлса, бироқ ўғрилар қаердан пайдо бўлаяпти?» деган мунозарали савол ўртага ташланди. Биров у деди, биров бу. Нуронийлардан бири шундай деди:

— Боғчада ёки оилада болалар овқатланаётганини кузатганмисиз? Кучлироғи заифроқ болага тегишли луқмани тортиб олиб, оғзига тиқади. Кўпинча бундай ҳолатга боғчада тарбиячи ҳам, оилада ота-она ҳам лоқайд бўлишади. Нега ўша зўравон болакайга бу иши нотўғри ва ножўя эканлигини ўз вақтида тушунтирмаймиз?! Одамдаги барча ярамас хусусиятлар шунақа носоғлом майда-чуйдалар замирида шакланиб боришига кўпчилигимиз эътибор бермаймиз. Оқибатда йиллар ўтгандан кейин орамизда ўғрию зўравонлар, бировнинг эмас, қорнидаги ҳомиласига зарур бўлганига фаҳми етмайди. Бечора аёл кўчага чиқади. Айланиб юрганда, бировнинг томорқасида хил-хил пишган анорни кўради ва тўғнағичини ечиб, мевасини тешади, шарбатини сўриб, зурриёдининг эҳтиёжини қондиради. Узилмаган анорнинг шарбатини сўриш ҳолати яна бир неча марта такрорланади.

Орадан йиллар ўтиб, бола мактабга қатнай бошлайди. Қўшнисининг анорига ўғирликка тушади. Қўшниси эса боланинг отасига учрашиб, ўғлини тарбиялаб қўйишни илтимос қилади. Фиғони осмонга ўрлаган ота ўз боласини эмас, ўша қўшнисини айблашга киришади. Эртаси куни қўшниси боланинг отаси олдига келади ва ҳақидан қўрқмайдиган нокаслар пайдо бўлади. Очкўзлик, очофатлик, кечки овқатни ҳам, тушликни ҳам бировнинг ҳисобидан қиладиган текинхўрлар ҳам болага онасининг қорнидалигида юққан хасталикдир.

Шунда танишим айтиб берган бир воқеа ёдимга тушди. Мирзачўл ўзлаштирилаётган даврда мевали дарахт кўчатлари эндигина ўтказила бошланган эди. Тракторчининг ҳомиладор аёли анорга бошқоронғи бўлиб қолади. Эрига: «Анор егим келяпти» дейди. «Анорни қаердан топаман? Анор олиб келиш учун Ўратепага, Жиззахга ёки Тошкентга бориш керак. Сабр қил, сабр таги — олтин», деб ер ҳайдашга кетади. Анор хотинига иккаласи панада турган ҳолда боланинг мактабдан қайтишини биргалашиб кузатишади. Болакай яна ўғирликка тушиб, халтасини анорга тўлдиради ва девордан ошиб ўтади.

Ота боласини уриб-сўкиб, уйига етаклаб келади ва хотинига савол беради: «Бизнинг уруғимиздан ўғри чиқмаган, сеникидан-чи?», дейди. Хотини «Бизникидан ҳам ўғри чиққанлигини билмайман», деб жавоб беради ва бироз ўйланиб туриб, шундай дейди: «Эсингиздами, шу болага ҳомиладорлигимда анорга бошқоронғи бўлгандим...» Аёл бор гапни эрига айтиб, қўшнисини рози қилишни ўтиниб сўрайди.

Ҳа, бола тарбиясида жамоатчилик таъсири бениҳоя катта. Агар қўшни ўз вақтида ўғри ўғлининг қилмишини кўрсатиб бермаганида ота ўғлидаги қусурни яна қанчагача билмай юрарди.

Маълумки, вояга етаётган аксарият болалар катталарга тақлид қилиб яшайди, улардан ўрнак олишга интилади. Порахўр отанинг фарзандлари ҳам катта бўлганда текинхўрлик, таъмагирликни ўзларига касб қилиб оладилар. Жамиятимизга ёт одатлар айнан болаликдан шаклланади. Ҳамкасбларимдан бири порахўр кимсаларни жамиятга тушган зулук, деди. Хато қилди: зулукнинг фойдаси ҳам бор, чунки ҳаром қонни сўриб олади. Булар кана, тоза қонни сўриб кун кўрувчи кана. Текин луқма томоқ йиртар, деб шунга айтсалар, не ажаб?!

Айтинг-чи, онаси бировнинг берган пораси эвазига қимматбаҳо танқинчоқлар тақса, кўзларни қамаштирувчи матолардан тикилган либослар кийса, отаси бегуноҳ одамни «гуноҳкор» қилса, яна бири бировни қон қақшатиб, қарзга ботирса, ўз ҳожатини чиқариб, ўзгалар ҳисобидан чўнтагини тўлдириб юрса, бундайлардан дунёга келган болалар келажакда баркамол бўлишига ишонасизми?!

Ривоят қилишларига кўра, бир қозининг хонадонида қиз вояга етибди. Ҳадеганда совчилар келавермабди. Хотини қозига: «Қизимизга муносиб куёв топайлик. Невараларни кўриб, орзу-ҳавасимизга етайлик», дея зорланибди. Бўйсара қизига куёв чиқмаган мансабдор ўйлаб-ўйлаб, ахийри, ўзига қарашли боғда боғбон бўлиб келаётган йигитни танлабди.

Таажжубки, тўйдан кейин бир ҳафта-ўн кун ўтаётган бўлса-да, боғбон йигит мансабдорнинг қизига қиё ҳам боқмабди. Мансабдор сабабини боғбон йигитдан сўрашга мажбур бўлибди.

— Мени маъзур тутсангиз, сабабини айтаман.

— Маъзур тутганим бўлсин, сабабини айт, — дебди амалдор.

Боғбон йигит шундай дебди:

— Қизингизни то менга хотинликка бергунингизга қадар уйингизга ҳар тарафдан келган ҳаром-хариш луқма билан вояга етказгансиз. Энди уни қирқ кун ҳалол луқма билан боқаман, кейин нопокликлардан фориғ бўлади, шундан кейингина истагингиз албатта рўёбга чиқади...

Хулоса чиқариш — газетхонга ҳавола.

Пиримқул ДЎСТМУҲАММАД

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva
Bosishga topshirish vaqti -22.30
Topshirildi - 22.50
E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 2 3 . 5